ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

2012 ЙИЛ 26 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 247 (12.308)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон – хорижликлар нигоҳида

## ЯНГИ ЙИЛНИ ЎЗБЕКИСТОНДА КУТИБ ОЛАЁТГАНИМДАН ХУРСАНДМАН

***Мамлакатимизда Янги йил байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Кўчалар, майдонлар, хиёбонлар байрамона безатилмоқда. Янги йилни мамлакатимизда кутиб олиш истагида келган хорижлик меҳмонлар ҳам кўп. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири улардан айримларининг байрам олди таассуротлари билан қизиқди.***

– Аввало, Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мамлакатингиз улкан салоҳиятга эга ва шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда, – дейди ирландиялик Давин Мёрфи. – Касбим меъмор. Бунёдкорлик ишлари изчил олиб борилаётган мамлакатингизга хизмат сафари юзасидан кўп бор келганман. Ўзбекистонлик дўстларим билан бир неча бор Янги йил айёмини кутиб олганмиз. Мустақиллик майдонида бунёд этилган «Эртаклар шаҳарчаси» менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу ерда намойиш этиладиган байрам томошалари нафақат кичкинтойларга, балки катталарга ҳам манзур бўлиши шубҳасиз.

– Ўзбекистонга дўстимнинг тавсияси билан келдим. У менга мамлакатингизга қилган ажойиб ва унутилмас саёҳати ҳақида сўзлаб берган эди, – дейди япониялик Асэми Маэда хоним. – Тошкентга келишим билан пойтахтингизнинг ҳар гўшасида байрамона шукуҳ кезиб юрганига гувоҳ бўлдим. Меҳмонхоналарда, супермаркетлар, кўчалар ва майдонларда байрам нафаси уфуриб турибди. Безатилган арчалар, бозор расталаридаги турфа ўйинчоқлар ва совғалар киши кўзини қувонтиради.

Саёҳатим давомида Самарқанд, Бухоро каби дунёга машҳур қадимий шаҳарларни кўриш истагидаман. Ўзбекистонга саёҳатимдан эсдалик сифатида миллий ҳайкалчаларни харид қилдим. Усталарингизнинг яратган бундай нафис ва бетакрор ҳунармандлик буюмлари оилам учун ажойиб совға бўлишига ишонаман.

– Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун Ўзбекистонни дунёнинг барча минтақаларида яхши билишади, – дейди буюк британиялик Питер Аддерли. – Бу ўринда фақат ўзбек заминининг гўзаллиги ва саховатинигина эмас, балки Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатингизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самараларни ҳам назарда тутмоқдаман. Мисол учун, мамлакатингизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётир. Буни юртингиздаги бунёд этилган кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистонда Янги йил айёми арафасида болалар учун турли томошалар, байрам кечалари ўтказилиб, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совғалари топширилишини эшитиб ғоят қувондим. Бу каби хайрли тадбирлар кичкинтойлар қалбини олам-олам қувончга тўлдириши шубҳасиз.

– 2013 йилни эртакмонанд диёрингизда кутиб олишдан бахтиёрман, – дейди италиялик сайёҳ Стефано Капорали. – Одамларингизнинг кўнгли очиқ, миллий қадриятларингиз ғоят ажойиб ва жуда бой экан. Мамлакатингиздаги ноёб обидалар, халқ амалий санъати дурдоналарини катта ҳайрат ва ҳавас билан томоша қилмоқдаман. Байрам кунлари чет эллик меҳмонларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун юртингизда барча шароит муҳайё. Бу заминда ҳар бир байрам қизиқарли ўтишига ишонаман. Ўзбекистонликларни яқинлашиб келаётган Янги йил айёми билан чин юракдан қутлайман.

**Мадина УМАРОВА**
**ёзиб олди**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Асқар Ёқубов (ЎзА) олган сурат

## ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОС МЕБЕЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

***Стол ва стуллар, диван ва кроватлар, шкаф ва курсилар, мактаб парталари ва доскалар... буларнинг бари кўркам ва қулай мебеллар бўлиб, уй, ўқув маскани ва офисларга ўзгача файз ва шинамлик бахш этади.***

Мамлакатимизда мебель ишлаб чиқариш жадаллик билан ривожланмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан қаратилаётган доимий эътибор туфайли иқтисодиётнинг саноат сектори, шу жумладан, мебель ишлаб чиқариш соҳаси салоҳияти ҳам йилдан йилга ошиб бормоқда. Мебель ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий технологиялардан фойдаланиш натижасида жаҳон стандартларига мос маҳсулот турлари кўпаймоқда.

Ана шундай субъектлардан бири — Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик мебель ишлаб чиқарувчи «Файз-холдинг» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасидир. Мазкур корхона томонидан савдо тармоғида «Файз» савдо белгиси остида кўплаб турдаги мебеллар тақдим этилган бўлиб, улар ётоқхона, меҳмонхона, болалар хонаси ва бошқа хоналар учун зарур бўлган барча жиҳозларни ўз ичига олади. Бу жиҳозлардан ҳар ким ўз дидига кўра тўплам қилиб олиши ёки дизайнерлар томонидан ишланган мебель гарнитурини танлаши мумкин. Корхона мижозларга ўз истакларини рўёбга чиқариш ва уйини ўзига хос тарзда жиҳозлаб олишига имконият яратади. Мебель модуллари осонгина жамланади.

Мебелларнинг кенг ассортименти интерьерни исталган услубда безатиш имконини беради. «Файз» мебелларининг дизайни етакчи немис ишлаб чиқарувчилари билан биргаликда ва дунё мода оламининг энг сўнгги ютуқлари асосида ишланмоқда.

Ҳозирги вақтда корхонада ишлаб чиқарилган юздан зиёд турдаги мебель маҳсулотлари – мактаб парталари, ошхона ва ётоқхона мебели, болалар учун стол ва стуллар таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларига етказиб берилмоқда ва улар аҳоли ўртасида тобора харидоргир бўлмоқда. Ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш, корхонада пухта ўйланган маркетинг сиёсати олиб борилаётгани самарасида маҳсулот сифати яхшиланиб, ҳажми ошмоқда.

Қўшма корхона бош директорининг ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш бўйича ўринбосари Зоир Маннопов истиқбол режалари ҳақида шундай дейди:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрда қабул қилинган «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Халқ таълими вазирлиги мактаб мебеллари, умумтаълим мактабларидаги ўқув-лаборатория синфлари, компьютер техникаси ва спорт инвентарлари учун махсус мебеллар, шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мебеллар хариди бўйича ҳар йили тендер савдоларини ўтказади. Бизнинг холдинг корхонамиз бу йилги тендерда ғолиб чиқиб, 9 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулотларни етказиб бериш имкониятига эга бўлди. Шу йил май ойида бўлиб ўтган Саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа савдоларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан 2 миллиард 400 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзоланди. Айни пайтда барча ишлаб чиқариш цехларида таълим муассасалари учун турли-туман мебеллар тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

***Яқинда Токиода Ўзбекистон тақдимоти бўлиб ўтди. Халқаро Университетлар фестивали доирасида мамлакатимизнинг Япониядаги дипломатия ваколатхонаси ва Токио университети ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мазкур университет ва Япониянинг бошқа олий таълим муассасалари талабалари, тадқиқотчи ва ёш олимлари ва профессор-ўқитувчилари, шунингдек, Кунчиқар мамлакатнинг таниқли жамоат арбоблари иштирок этдилар.***

## ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Тақдимот чоғида Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, ноёб ва бетакрор тарихий масканлар, мамлакатимизнинг жўғрофий, табиий-иқлимий шароитларига оид атрофлича маълумотлар тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Ўзбекистоннинг маданий ва меъморий ёдгорликлари билан бирга ўлкамизнинг ноёб ҳамда гўзал табиатидан баҳраманд бўлиш имконияти мавжуд бўлган турли сайёҳлик дастурлари японияликларда алоҳида қизиқиш уйғотди.

Тадбирда сўзга чиққан Япония олий таълим муассасаларининг вакиллари Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига юқори баҳо бердилар. Сайёҳлик соҳасининг бугунги кундаги аҳамияти ва қамровини эътиборга олган ҳолда, Япониянинг талаба ва ёш мутахассисларига Ўзбекистондаги сервис ва сайёҳлик салоҳияти даражасини баҳолаш имконини берадиган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш жуда муҳим эканлиги қайд қилинди.

**Токио университетининг Санъат ва илм-фан коллежи декани, профессор Тошиказу Хасегава** Токио университетининг Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлар экан, Япония ҳукуматининг академик алмашувлар бўйича дастури доирасида ўз университетида таҳсил оладиган талабалар сўнгги икки йил мобайнида бир неча маротаба Ўзбекистонда бўлишгани юқоридаги фикрнинг тасдиғи эканлигини айтди.

Профессорнинг маълум қилишича, Ўзбекистонда бўлган япон талабалари юртимиздаги ўзгача гўзалликдан, мамлакатимиз халқининг асрлар давомида авайлаб-асраб келаётган анъаналаридан ҳамда очиқ кўнгиллигидан ҳайратланишади. «Ўзбек халқининг маданий мероси жуда хилма-хил бўлгани ҳолда Буюк Ипак йўлининг шаклланиши даврига бориб тақаладиган чуқур тарихий илдизларга эгадир», деди у.

**Токио университетининг профессори Теру Окада** ҳам япон талабаларининг Ўзбекистонга уюштирилаётган қисқа муддатли сафарлари жуда муваффақиятли ва мазмунли кечаётганини айтди. Унинг маълум қилишича, мазкур сафарлар чоғи Ўзбекистондаги таълим муассасаларида учрашув ҳамда қўшма машғулотлар ўтказилаётгани баробарида Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари жаҳонга машҳур шаҳарларга саёҳатлар ҳам уюштирилмоқда. Профессорнинг таъкидлашича, мамлакатимиз бағрида жойлашган тарихий ёдгорликлар, меъморий иншоотлар, дўст ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бетакрор миллий таомлари Токио университети талабаларида ёрқин ва унутилмас таассуротлар қолдирмоқда.

Т.Окаданинг фикрича, Халқаро Университетлар фестивали доирасида Ўзбекистон тақдимотининг ўтказилиши ҳам икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида мавжуд бўлган маданий ва академик алмашувларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

**«Жаҳон» АА**
**Токио**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** «Парламентда менинг ўрним» лойиҳасининг республика босқичи бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда банкларнинг роли» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий кутубхонасида «Иқтидорингни намоён эт» шиори остидаги 1-9-синф мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Энг яхши мақола» ва «Энг яхши видеоролик» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги олдидан Фарғона вилоятида турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида Қўқон шаҳридаги ҳарбий қисмда ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ихчам, тезкор ва замонавий миллий армияни шакллантириш йўлидаги изчил ислоҳотлар самаралари хусусида сўз юритилди.**

**• Андижон шаҳрида «Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш, таъминот ва тайёрлов ташкилотлари билан шартномавий муносабатлар: муаммо ва ечимлар» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Тадбир Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ва партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

**• Қизириқ туманида вилоятдаги ирригация-мелиорация тармоқлари ходимлари, сув истеъмолчилари уюшмалари раҳбарлари, бульдозер ва экскаватор операторлари ҳамда уларнинг ёрдамчилари иштирокида экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан тежаб, оқилона фойдаланишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**• Қарши шаҳридаги «Cotton Road» қўшма корхонаси хорижга экспорт қилинаётган маҳсулот турларини кўпайтирмоқда. Бугунги кунда пахта толасидан тайёр мато ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини қамраб олган «Cotton Road» қўшма корхонаси жорий йилда хорижий мамлакатларга қарийб 3 миллион долларлик трикотаж ва тўқувчилик маҳсулотлари етказиб берди.**

**• Жиззах туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги роли ва аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда фуқаролардан тушган мурожаатлар асосида жойлардаги мавжуд ижтимоий масалаларни ечишга алоҳида эътибор қаратилди. Уларни ҳал этиш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли тавсиялар берилди.**

## ЖАҲОНДА

**• Бош вазир Есихико Нода бошчилигидаги Япония ҳукумати истеъфога чиқди. Бунга мамлакатни кейинги уч йил давомида бошқарган Демократик партиянинг парламентга бўлиб ўтган сайловлар давомида кўпчилик ўринларни йўқотганлиги сабаб бўлган.**

**• 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб Ирландия кейинги ярим йил давомида Европа Иттифоқига раислик қилади.**

**• Хитойда жаҳондаги энг узун юқори тезликда ҳаракатланувчи темир йўл линияси фаолияти йўлга қўйилди. Унинг узунлиги 2 минг 298 километрни ташкил этади. Хитой ҳукумати юқори тезликда ҳаракатланувчи темир йўл магистралларининг умумий масофасини 2020 йилга бориб 120 минг километрга етказишни режалаштирмоқда.**

***Кўпчилик қишнинг совуқ кунларида электр мосламаларидан фойдаланади. Бу эса электр энергияси сарфини сезиларли даражада оширади ва энергия тармоғининг ишлашида муайян қийинчиликлар туғдиради. «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти электр энергиясини тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш, энергия тежайдиган мосламалар ва замонавий электр ҳисоблагичлардан фойдаланиш бўйича тарғибот ишларини олиб бормоқда.***

Қарор ва ижро

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Пойтахтимизда энергия истеъмоли йилдан йилга ортиб бормоқда ва бу аҳоли фаровонлигининг ошаётгани билан боғлиқдир. Масалан, илгари хонадонларимизда битта телевизор ва бир нечта зарур маиший электр буюмлари ишлатилган бўлса, бугун бундай воситалар сони анча кўпайди. Масалан, айрим хонадонларда бештагача кондиционер ўрнатилганини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси пойтахтимизнинг энергия таъминоти тармоғини мунтазам ривожлантириш, электр узатиш линияларининг узатувчанлик қобилиятини кучайтириш ҳамда трансформаторли кичик станциялар қувватини оширишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси электр таъминоти тармоқларининг иш фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларни модернизация қилиш, шунингдек, пойтахтимиз аҳолиси ҳамда корхоналарга узлуксиз сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 2009 йил 22 августда «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда электр энергиясини етказиб берувчилар ва унинг истеъмолчиларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари белгиланган.

– Фойдаланилаётган энергия ҳажми йилдан йилга ортиб бориши билан бир вақтда истеъмолчилар сони ҳам кўпаймоқда, янги корхона ва фирмалар ташкил этилаётир, трансформаторли кичик станциялар таъмирланмоқда, – дейди ЎзА мухбирига «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамияти директорининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Аброр Иноятов. – Бугунги кунда хизматимиздан 595 мингдан ортиқ аҳоли ва 18 минг нафардан зиёд юридик шахс фойдаланмоқда. Кўрсатилган хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаш энергия таъминоти тизимини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир.

«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» очиқ акциядорлик жамиятидан олинган маълумотларга кўра, пойтахтимизнинг кўпчилик аҳолиси фойдаланилган электр энергияси ҳақини икки-уч ойда бир марта тўлашга одатланган. Қарздорларнинг асосий қисмини жисмоний шахслар ташкил этади. Шу боис бу борада аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари мунтазам ўтказилмоқда, электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш муҳимлиги ҳақида эслатма ва билдиришномалар тарқатилмоқда.

Электр энергиясига бўлган талабнинг ошиб бораётгани унинг сарф-харажатларини камайтириш ҳамда ундан тежамкорлик билан фойдаланиш услубларини қўллашни тақозо этмоқда. Шунинг учун энергия тежайдиган ускуна ва мосламалардан фойдаланиш соҳадаги муҳим вазифалардан биридир. Бу истеъмол қилинаётган умумий энергия ҳажмини камайтирибгина қолмай, балки истеъмолчилар маблағини ҳам тежаш имконини беради. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва кенг фойдаланилаётган энергия тежайдиган люминесцент лампалар бунга ёрқин мисол бўла олади. Кам энергия сарфлайдиган ушбу лампалардан узоқ муддат фойдаланиш мумкин.

Электр энергиясини истеъмол қилишни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан алоқани таъминлаш қарзини тўламайдиганларни тармоқдан узиш ҳақидаги ахборотни етказиш ҳамда тўлов тушиши билан тезкор қўшиш имконини беради. Зеро, 2015 йилгача «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик жамиятининг барча абоненти ушбу тизимга ўтказилади.

Электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш энергия таъминоти тармоқларини реконструкция ва модернизация қилишнинг муҳим омилларидандир. Жорий йилнинг ўзида Тошкент шаҳридаги 500 трансформаторли кичик станция капитал таъмирланди, ишдан чиққан ёки электр энергиясига бўлган талабни қондирмаётган кам қувватли станциялар янгилари билан алмаштирилди. Узунлиги 42 километрдан ортиқ электр тармоғи реконструкция қилинди. Шунингдек, куз-қиш мавсумида электр тармоқлари бир маромда ишлашини таъминлаш борасида ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизнинг барча туманида ишларни тезкор мувофиқлаштириш штаблари фаолият кўрсатмоқда, туман электр тармоқлари ходимларининг кеча-кундуз навбатчилиги ташкил қилинган, авария бригадалари доимий тайёр ҳолатга келтирилган. Айни пайтда Тошкент шаҳар ёнғин хавфсизлиги бошқармаси билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Замонавий ахборот технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаси, жумладан, энергия таъминоти соҳасига ҳам фаол жорий қилинмоқда. «Электр ҳисоблагич» дастурий комплексидан фойдаланиш етказиб берилаётган электр энергияси учун маблағларни ўз вақтида тўплаш жараёни самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришга ёрдам бермоқда, ҳисоб-китоб ва тўловлар ишончлилиги жараёнига инсон омили таъсирини камайтирмоқда. Бунинг натижасида электр энергияси учун ҳақ тўлаш тизими соддалаштирилди, ундан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш назоратга олинган. Кўрсатилаётган хизматларга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш усуллари – тижорат банклари, «Ўзбекистон почтаси», «Paynet» ва SMS-to'lov тизимлари жорий қилинган. Улар орқали ҳар бир фуқаро мамлакатимизнинг бошқа тумани ёки шаҳридан ҳам хизматлар учун тўловларни амалга ошириши мумкин.

Дастур он-лайн технологиялари ёрдамида истеъмолчига «шахсий кабинет» ёки SMS-хабар орқали тезкор маълумот етказилишини таъминлайди. Унда жорий ҳисобрақам баланси, ҳисоблагич кўрсаткичлари, аввалги ҳисоб-китоблар ва жорий тўловларга оид маълумотларга эга бўлиш мумкин. Истеъмолчи, шунингдек, носозликларни бартараф қилиш учун мутахассис ёки кўрсатма олиш, ҳисоблагични алмаштириш учун инспекторни чақириш имконига эга. Бундан ташқари, реал вақт режимида энергия таъминоти корхоналари фаолиятини мониторинг қилишга ёрдам беради. Буларнинг барчаси «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик жамиятининг электр энергияси истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифатини оширмоқда.

– Менга электр энергиясидан қарздор эмаслигим тўғрисида маълумотнома керак бўлиб қолди, – дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи А.Турсунова. – Туман энергия таъминоти бўлимида менинг қарзим борлигини айтишди. Фойдаланилган электр энергияси ҳақини тўлаганим тўғрисида қўлимда квитанцияларим бор эди. Маълум бўлишича, пул тушумида кечикишлар рўй берган экан. Ҳақиқатан ҳам тўлов икки ҳафтадан кейин келиб тушган экан. Кейинчалик «Электр ҳисоблагич» дастурий комплекси тўғрисида хабар топдим ва ушбу тизим имкониятларидан фойдаланишга қарор қилдим. Ҳозирда электр энергияси учун тўловларни ҳар сафар банкда амалга ошираман, интернет тармоғи орқали эса ўз шахсий ҳисобрақамимни текшириб тураман.

Аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш минглаб одамлар меҳнати самарасидир. Ундан оқилона фойдаланиш орқали биз нафақат ўз бурчимизни бажарган, балки мамлакатимиз фаровонлигига ҳам ҳисса қўшган бўламиз.

**Роман БОНДАРЧУК**

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

# МАҲАЛЛА – ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК МАРКАЗИ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Г.Алимова мамлакатимизда ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб бўғини бўлган маҳалла институтининг ҳаётимиздаги ўрни ва роли тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилиши ушбу йўналишдаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида жойларда минглаб тарғибот-тушунтириш тадбирлари ташкил этилди. Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш ниятида бўлган тўрт ярим минг нафарга яқин фуқарога банклардан кредит олиш ва иш фаолиятини бошлашда кўмаклашилди. Бундай тадбирлар туфайли маҳаллаларимизда қирқ етти мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда маҳаллаларда новвойлик, сартарошлик, дурадгорлик, кулолчилик, косиблик, ёғоч ўймакорлиги, тикувчилик, касаначилик, зардўзлик каби соҳалар тобора ривож топмоқда. Тўрт миллиондан ортиқ оила ўз томорқасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг жойлардаги бўлимлари томонидан кам таъминланган оилаларга қорамол ва парранда олиб берилди. Обод турмуш йилида маҳаллаларимизда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаяди.

Матбуот анжуманида маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш самаралари, ҳамкорлик лойиҳалари ва истиқболдаги вазифалар хусусида батафсил маълумот берилди.

**Б.ХИДИРОВА**

***Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, йилдан йилга янги иш ўринлари яратиб келинаётгани қувонарли, албатта. Бу эса ўз навбатида аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда.***

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Жумладан, саноат тармоғида яратилган иш ўринлари улуши ҳам ошмоқда. Ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган туман ва шаҳарларда ҳам янги кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил қилиш ҳисобига касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириб, фермер ва деҳқон хўжаликларида паррандачиликни кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Айтиш мумкинки, фуқароларни иш билан таъминлашда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари муҳим ўрин тутади. Бу меҳнат бозоридаги тўқимачилик ва бичиш-тикиш соҳалари, қурилиш ва коммунал хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби, ахборот-коммуникация соҳалари бўйича касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларини ҳал қилишда ўз ўрнига эга.

Ўтган йилда иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастур қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда ҳам бу борадаги ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришда ҳам аниқ ва тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Юртимизда инсон манфаатларининг устунлиги, мутахассис кадрлар салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва инвестицион лойиҳалар жамики жабҳалардаги муаммоларга ечим топишда муҳим омил бўлмоқда. Муҳими, бу саъй-ҳаракатлар аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш ва фаровон ҳаёт кечиришимиз учун хизмат қилаяпти.

**Ҳилола БОБОҚУЛОВА,**
**ЎзМУ иқтисодиёт факультети талабаси**

Коммунал хизмат

# ЗАМОНАВИЙ АНЖОМЛАР ЎРНАТИЛДИ

***Шаҳримизда аҳолига коммунал хизматлари кўрсатиш даражасини янада ошириш мақсадида соҳа корхоналарини замон талаблари асосида таъмирлаш ва жиҳозлаш масалаларига муҳим эътибор қаратилмоқда.***



Жумладан, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ кўмагида Бектемир туман электр тармоқлари корхонаси барча қулайликларга эга янги икки қаватли бинога жойлашди. Гап шундаки, илгари корхона жамоаси атиги тўртта хонада фаолият кўрсатар, бу мижозларга хизмат қилишда ҳам муайян қийинчиликларни туғдирар эди.

— Янги бинода фаолият кўрсатишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Бектемир тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи ўринбосари Амиржон Муҳамедов. — Жумладан, хизмат хоналаримиз ўн бештага етди, катта мажлислар зали, Маънавият ва маърифат хонаси, иккита дам олиш хонаси, ошхона мавжуд. Барча мебелларнинг янгиланиши, 2 та компьютер, бошқа замонавий алоқа воситаларига эга бўлишимиз фаолият кўрсатиш имкониятларимизни кенгайтирди. Бу кечки сменада ишловчилар учун ҳам ўзига хос қулайликлар яратади.

Энг муҳими, яратилган ушбу замонавий шарт-шароитлар мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишда ўзига хос омил бўлмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: корхонада мана шундай қулайликлар яратилди**

# ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИГА МОС МЕБЕЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Файз-холдинг» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси таркибида 19 та асосий цех бўлиб, улардан 7 таси ишлаб чиқариш цехларидир. Барча турдаги мебелларни ишлаб чиқаришда асосан қарағай, ёнғоқ ва чинор ёғочларидан фойдаланилади.

Ҳар бир цех ўзига хос ишлаб чиқариш йўналишига эга. Масалан, ўйинчоқ цехида болажонларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш ва ўраб турган олам ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қиладиган ранг-баранг маҳсулотлар тайёрланади.

Холдингдаги ишлаб чиқариш цехлари «Homag» (Германия), «Krauss Maffei» (Германия), «Griggio» (Италия), «Sahos» (Чехия) каби хорижнинг энг замонавий ускуналари билан жиҳозланган.

Қўшма корхонада 400 нафардан зиёд ишчи ишлайди, уларнинг самарали меҳнат қилиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Келгусида яна 28 иш ўрни яратиш борасида иш олиб борилмоқда.

Янги ишга жойлашганлар орасида ўтган йили Сергели саноат-касб ҳунар коллежини тамомлаган Денис Сокмаркин каби коллеж битирувчилари кўпчиликни ташкил қилади. Денисниг айтишича, у ўқиш давридаёқ бу ерда амалиёт машғулотларини ўтаган бўлиб, ўша пайтда тўплаган тажрибаси иш жараёнида унга қўл келмоқда. Денис Сокмаркин энди энг замонавий ускунанинг операторлик ишини ўрганиш ҳақида ўйламоқда.

«Файз-холдинг» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси ёғоч қириндиларидан ишланган плита (ДСП), ёғоч қириндиларидан тайёрланган ламинатланган плита (ЛДСП) ва майда дисперсияланган бўлаклардан тайёрланган (МДФ) товарлар ишлаб чиқариш бўйича ҳам Ўзбекистон бозоридаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади.

Юқори сифатли ускуналар ва малакали ишчиларнинг самарали меҳнати туфайли ёғочга ишлов берувчи цех деталларни йиғишда катта аниқликка эга бўлган юқори сифатли буюмларни ишлаб чиқармоқда. Бу эса барча дурадгорлик маҳсулотларининг мустаҳкамлиги ва фойдаланишдаги чидамлилигини таъминлайди. Маҳсулот тайёрлаш бўйича ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичлари ёнғин хавфсизлиги меъёрларига қатъий риоя қилинган ҳамда сифат синчковлик билан текширилган ҳолда бажарилади. Ёғочга ишлов бериш цехида ишлаб чиқарилган барча маҳсулотлар амалдаги сифат стандартларига мос келади.

Бугун «Файз-холдинг» масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонасининг маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки экспортга ҳам чиқарилмоқда. Яқин келажакда янги-янги ташқи бозорларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

**Адҳамбек РАШИДБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

«Келажак овози — 2012»

# ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг саралаш босқичи давом этмоқда.***

Бу йилги лойиҳанинг якуний босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар саралаш жараёнларида ғолиб бўлган 650 нафар иштирокчи қатнашмоқда. Улар ўз ижодий ишларини ҳакамлар ҳайъати, тенгдошлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик ҳузурида тақдим этмоқда.

20-21 декабрь кунлари Ўзбекистон Миллий кутубхонасида рационализаторлик, техник, веб-ишланмалар, дастурий таъминот, менежмент, маъмурий ишларни такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнини тизимлаштириш бўйича таклифлар номинацияси бўйича қатнашаётган ёшлар ўз лойиҳаларини таништирди. Аввалги танловларда ушбу номинацияда ғолиб чиққан ёш тадқиқотчилар юртимизнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, инновацион марказлар ва компанияларда самарали фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг илмий изланишлари мамлакатимизда ўтказилаётган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида намойиш этилмоқда.

Қорақалпоғистонлик Нурбек Ёқубов ҳозир Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг 1-курсида таҳсил олмоқда. У танловнинг рационализаторлик таклифлар йўналишида чиқиндиларни қайта ишловчи мажмуага оид лойиҳаси билан қатнашмоқда.

– Шаҳару қишлоқлар, турар жойлар, маҳаллаларнинг ободлиги, тоза ва аришталигини сақлаш азалий қадриятларимиздан, – дейди ЎзА мухбирига Нурбек. – Мен таклиф этаётган мажмуа чиқиндиларни тартибли тўплаш, саралаш ва қайта ишлаш ёрдамида экологик мусаффоликни таъминлаш имконини беради.

Танлов доирасида шунингдек, олимлар, етук мутахассислар, экспертлар иштирокида ёшлар учун маҳорат сабоқлари, жонли мулоқот ва учрашувлар ўтказилди.

**Назокат УСМОНОВА**

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган вазифалар, хусусан, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича агентлик томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритилди.***

# ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Таъкидлаш жоиз, Концепцияни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган дастурда «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиш Матбуот ва ахборот агентлиги зиммасига юклатилган. Айни кунгача агентлик томонидан ушбу қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ишлари якунига етказилди. Уларни ишлаб чиқишда агентлик экспертлари жорий йилнинг 19-28 ноябрь кунлари Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти лойиҳаси доирасида ахборот соҳасидаги қонунлар билан танишиш ва қонун ижодкорлиги борасида тажриба алмашиш мақсадида Франция ва Германия давлатларида бўлиб, қонунчилик амалиётини ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрладилар.

– «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқишда бир нарсага амин бўлдикки, дунё қонунчилик амалиётида бундай алоҳида қонун йўқ экан,– дейди агентлик масъул ходими Юсуфжон Абдукаримов. – Чет давлатларда бўлиб, уларнинг қонунчилик амалиётини ўрганганимиздан сўнг шундай хулосага келдик. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий жиҳатларини тартибга солувчи меъёрлар айрим қонунларда кўрсатилган, лекин бу борада яхлит бир қонун йўқ. Хулоса қилиб айтганда, бу янги қонун ҳақиқатан ҳам оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асосларини белгилаб беради.

Юқоридаги қонунларнинг қабул қилиниши ахборот соҳасининг янада ривожланиши ва тўлақонли ислоҳ қилинишига, ахборот ва сўз эркинлигининг таъминланишига хизмат қилади.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**Абдуалим САЛИМОВ**

**Саломатлик — туман бойлик**

# ҒОЛИБЛАР ШОҲСУПА ТЎРИДА

***«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида фаолият юритаётган ёш олимлар ва ишчи-ходимларни жисмоний тарбия ва спортга фаол жалб қилиш, уларни жисмоний чиниқтириш, саломатликларини мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, Фанлар академияси тасарруфидаги илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг спорт турлари бўйича жамоасини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида анъанавий Академиада спорт мусобақалари ўтказилди.***



Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Бирлашган касаба уюшмаси ташкилоти таркибида 41 та бошланғич ташкилот мавжуд. Уларда 5500 га яқин ишчи-ходимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Ходимларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш уларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари ходимлари ҳамда ёш олимлар ўртасида спортнинг мини футбол (эркаклар ўртасида) ва стол тенниси, шахмат, шашка (аёллар ва эркаклар ўртасида) мусобақалар ташкил этилди.

Турнир ҳаваскорлар ўртасида ташкил этилган бўлса-да, бироқ қизиқарли ва ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди. Шу боис ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Ғолиблар хусусида тўхталадиган бўлсак, эркаклар ўртасида шашка мусобақаларида ўсимлик моддалари институти вакили Олим Абдураимов, аёллар баҳсида Геология ва геофизика институтидан Наргиза Шукурова, шахмат мусобақасида Астрономия институти ходими Чори Шерданов, аёллар ўртасида эса Иммунология институти вакили Умида Набиевалар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасини забт этдилар.

Стол тенниси мусобақалари мухлислар орасида айниқса катта қизиқиш уйғотди. Бунда эркаклар ўртасида Жасур Тошпўлатовга тенг келадиганлар топилмаган бўлса, аёллар беллашувида Электроника институтидан Дилноза Файзуллаева биринчи ўринни эгаллади.

Академиада мусобақасининг барча ғолиб ва совриндорларига Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси томонидан эсдалик совғалари, дипломлар ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Даврон НУРМАТОВ**

**СУРАТДА: Академиада мусобақасидан лавҳа**

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Тошкент Фотосуратлар уйида Туркманистоннинг машҳур рассомлари Байберди Бердиев, Аннагелди Жуманиязов, Дилором Якубова, Мамед Ярмамедовларнинг сара ижод намуналаридан ташкил топган кўргазма очилди.***

# ТУРКМАНИСТОНЛИК РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Кўргазма очилишида шаҳримиз жамоатчилиги вакиллари, ўқув юртлари ўқитувчилари, талаба-ўқувчилар, рассомлар, санъатшунослар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, турли касб эгалари қатнашди.

Айтиш керакки, Мустақиллик йилларида ҳар икки мамлакат тасвирий санъати ривожида бир нечта босқич босиб ўтилди. Туркманистонда очилган Бадиий академия рассомлар тайёрлайдиган марказга айланди. Миллий тасвирий санъат ривожида давомийликни сақлаш имкониятлари кенгайди. Бу ўқув юртини битирганлар Туркманистон рассомлар сафини кенгайтирмоқда. Мустақиллик йилларида миллий маданиятнинг турли қирралари акс этган кўплаб рангтасвир асарлар яратилди.

Экспозицияга қўйилган экспонатлар ёнида муаллифлар иштирокида давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Давра суҳбатларида қатнашган рангтасвирчи рассом Иброҳим Валихўжаев шундай деди: «Кўргазмага қўйилган асарларда миллий ва маънавий қадриятларга, она-юрт, анъана ва урф-одатларга муҳаббатни, миллий характерни кўрамиз».

Кўргазма намойиши давом этмоқда.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ УЧРАШУВ

***Тошкент фармацевтика институти қошидаги академик лицейда ёшлар иштирокида ташкил этилган учрашув «Диний экстремизм ва унинг зарарли оқибатларининг олдини олиш», «Одам савдосига қарши кураш» мавзуларига бағишланди.***

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан бугунги кун ёшларининг билим олиши, ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб етишиши учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида тўхталиб ўтишди. Миробод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси Ф. Азаматова тадбир иштирокчиларига ҳозирги кунда диний экстремизм ва унинг зарарли оқибатларининг олдини олиш, одам савдосига қарши кураш борасида туманда олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш билан бирга бу каби иллатларга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини, атрофимиздаги шубҳали ҳолатларга бепарво бўлишимиз албатта салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Жумладан, вояга етмаганларнинг содир этган ҳуқуқбузарликларига асосан кишидаги «маънавий бўшлиқ» сабаб бўлиши қайд этилди. Диний экстремизм оқимига мойиллик – гиёҳвандлик, ўғрилик ёки одам савдоси каби иллатларга бориб тақалиши айтиб ўтилди. Шу билан бирга мавзуга оид ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Фильм намойишидан сўнг Миробод тумани ИИБ ҲООБ инспектори капитан Н. Аҳмедова йиғилганларни огоҳликка чақириб, кичик безориликлар катта нохушликларга йўл очиб беришини таъкидлаб, бир неча мисоллар келтириб ўтди. Ёшлар мазкур зарарли иллатлардан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, ўз салоҳиятларини ошириб бориш орқали сақланишлари мумкинлиги тушунтирилди. Тадбир сўнггида ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан соҳа ходимларига мурожаат этдилар. Учрашув мунозараларга бой тарзда, қизиқарли ўтди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

**Спорт янгиликлари**

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ БАХРАЙНГА БОРАДИ

***Келгуси йилнинг 5-18 январь кунлари Бахрайнда футбол бўйича Кўрфаз Кубоги беллашувлари бўлиб ўтади.***

Қувонарли жиҳати шундаки, ФИФА рефериси, Осиёнинг тўрт карра энг яхши ҳаками Равшан Эрматов ушбу турнирда бош ҳакам сифатида учрашувларни бошқаради. Қанотларда унга қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ҳамда Осиёнинг икки карра энг яхши қанот ҳаками, ҳамюртимиз Абдуламидуллоҳ Расулов ёрдам беради.

Равшан Эрматов 2009 йилда ташкил этилган Кўрфаз Кубоги турнирида ҳам Уммон — Қувайт, Саудия Арабистони — БАА терма жамоалари учрашувини бошқарган.

Дарвоқе, 2013 йилги Кўрфаз Кубоги беллашувларида «А» гуруҳида Бахрайн, Уммон, Қатар, БАА, «В» гуруҳида Қувайт, Ироқ, Саудия Арабистони ҳамда Яман терма жамоалари ғолиблик учун кураш олиб боришади.

Бундан ташқари келгуси йилнинг 19-23 январь кунлари Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси ташаббуси билан ҳакамлар малакасини оширишга мўлжалланган семинар ташкил этилади. Равшан Эрматов ушбу анжуманда ҳам иштирок этади.

***Аввал хабар қилганимиздек, мини-футбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси ўқув-машғулот йиғини доирасида назорат-ўртоқлик учрашувларида омадини синаб кўриш мақсадида Эронга сафар қилган эди.***

# ЎРТОҚЛИК БАҲСЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

Яқинда Португалияда мини-футбол бўйича ташкил этиладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган Эрон терма жамоаси Ўзбекистон терма жамоаси билан учта назорат-ўртоқлик учрашувларида куч синашди. Дастлабки баҳсда 7:2 ҳисобида мезбонлар зафар қучган бўлса, иккинчи учрашув ҳам 6:3 ҳисобида эронликлар ғалабаси билан якунланди. Ниҳоят аввалги баҳсларда маҳорати бироз ошган ҳамюртларимиз учинчи ўйинда мезбонларга муносиб қаршилик кўрсата олишди. Муросасиз ва қизиқарли курашларга бой кечган учрашув 1:1 ҳисобида якунланди.

Хулоса қилиб айтганда, Эрон сафари мини-футбол бўйича аёллар терма жамоамиз учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

***Дунё аҳолиси интиқлик билан кутаётган Янги йил байрами арафасида юртимизга турли айланма йўллар билан пиротехника маҳсулотларини олиб кириш ҳаракатларига чек қўйилмоқда. Ҳозирда пақилдоқларнинг турлари жуда ҳам кўпайган бўлиб, нафақат болалар, балки ёши катта фуқароларимиз ҳам унга қизиқиб қолишган. Портлаш натижасида ўзидан чирой таратаётган пиротехника маҳсулотларининг соғлиққа қанчалик зарар келтиришини ҳамюртларимиз тезда унутиб қўймоқдалар. Биргина Россиянинг Пермь шаҳрида 150 дан ортиқ инсоннинг ҳаётига завол бўлган порохли маҳсулотдан, негадир барча юз ўгиришнинг ўрнига, баъзилар ушбу хавфли воситаларни фарзандларига инъом қилаётгани кишини ажаблантиради.***

Куни кеча Тошкент Ахборот технологиялари университетида ўқув юрти раҳбарияти ва талабалар ўртасида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари техника намойиши билан учрашув ўтказдилар. Унда асосий хавфсизлик қоидаларини тарғиб этиш билан бир қаторда, пиротехника маҳсулотларига ҳам алоҳида урғу берилди. Жумладан, «Пиротехника буюмлари муомаласининг тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонунларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 250[1] моддасида қайд этилган «Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни қонунга хилоф равишда ЎзРга олиб кириш ва олиб чиқиш ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиниши билан жазоланиши ва саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш» билан жазоланиши борасида тўлиқ маълумот берилди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: нега айрим ота-оналар пиротехника маҳсулотларининг соғлиққа, атрофдагиларга зарарлигини билсаларда, фарзандларига олиб беришга ҳаракат қиладилар. Чунки уларнинг ўзлари ҳам пиротехниканинг қанчалик хавфли эканлигини тушуниб етмайдилар. Зеро, ёшлар орасида пиротехника воситаларидан фойдаланиш натижасида бахтсиз ҳодисаларнинг рўй бераётгани сир эмас.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан пиротехника маҳсулотларининг пойтахт ҳудудига айланма йўллар билан кириб келиши ва сотилишига йўл қўймаслик борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ қуйи тизимлари ППХ ва ЖТСБ, ЙХХБ, ХЧК ва ФРБ, Коррупция, товламачилик ва рекэтга қарши кураш хизмати, КБ, Солиқ хизматлари ходимлари билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри чегара ҳудудларида, бозорлар ва уларнинг атрофида ҳамда савдо расталарида, аҳоли гавжум йиғиладиган жойларда пиротехника маҳсулотларининг сотилиши, тарқатилишининг олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида кўплаб рейдлар ўтказилди.

Янги йил байрами кириб келишига саноқли кунлар қолди. Шаҳримизнинг ўн тўртта масканларида арча безатилиб, болажонларга эртаклар намойиш этилиши режалаштирилган. Ҳар бир арча атрофида байрамнинг тинч-тотув, хурсандчилик билан ўтказилиши борасида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилган. Шу ўринда яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз:

— арчани безатишда 24 кучланиш қувватидан юқори бўлмаган электр чироқларидан фойдаланиш мумкин;

— арчани қоғоз, целлюлоид ўйинчоқлар, пахта ва тез ёнувчи материаллар билан безатиш тақиқланади;

— байрам тадбирлари вақтида бенгал шами, турли мушак ва бошқа пиротехника маҳсулотларидан фойдаланиш тақиқланади;

— арчаларнинг очиқ олов ва иситиш мосламалари олдида ўрнатилишига йўл қўйманг!

Хулоса қилиб айтганда, барча юртдошларимиз ўз хонадонларида, яқинлари орасида тинчлик-хотиржамлик, ҳузур-ҳаловатда яшашлари учун барча хавфсизлик қоидаларига риоя этишлари ва пиротехника маҳсулотларидан нари бўлишлари лозимлиги ҳақида огоҳлантирамиз.

**Широз СУЛТАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ муҳандиси**

**Оз-оз ўрганиб доно бўлур**

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ҳаётнинг ўзи доно қилмаса, барча ўқиганинг бир пул.**

* * *

**Кимники фақат иш,**
**Кимники фақат сўз.**

* * *

**Нодонга надомат туйғуси ёт.**

* * *

**Ким билан маслаҳатлашишни ҳам билиш керак.**

* * *

**Ёлғончи ваъдабоз бўлади.**

* * *

**Ўзига ишонмагандан ҳар нарсани кутиш мумкин.**

* * *

**Ваъдани қуюқ қилганга ишонма.**

* * *

**Шаклланиб бўлган кишини ўзгартириб бўлмайди.**

* * *

**Бахт сари йўл баъзан бахтсизликлар оралаб боради.**

* * *

**Имкон курашиб қўлга киритилади.**

* * *

**Борида қилмаган йўғида умидвор бўлади.**

* * *

**Майда ишлар кўп вақтни олади-ю, баракаси бўлмайди.**

* * *

**Ақлли киши ҳар бир ишини босиқлик билан ҳал қилади, нодон жанжал билан.**

* * *

**Ҳеч қачон ўйлаб боши қотмаган кишининг пешонасида ажин ҳам бўлмайди.**

* * *

**Чин муҳаббат беғараз фидойиликдир. Манфаат кўзланса, у чин муҳаббат эмас.**

* * *

**Ёмондан яхшилик кутма.**

* * *

**Ишнинг охири яхшилик билан тугаса, аввалдаги дилсиёҳликларни эслаб ўтирманг.**

* * *

**Тасодифга чора йўқ.**

* * *

**Одамлар аслида бировни улуғлаш орқали ўзларига шон-шуҳрат ахтарадилар.**

* * *

**Ота-онанинг феъл-атвори болаларига ўтмаслиги мумкин эмас.**

* * *

**Кимники баҳо, кимники даъво.**

* * *

**Макр – ёмонлик маҳсули.**

* * *

**Соғинч кўнгилни юмшатади.**

* * *

**Кимни муҳаббат боғлаб туради, кимни манфаат.**

* * *

**Ҳамма ўзига қулайини кўради.**

* * *

**Тузалишни истамаган нодонга тарбия ҳайф.**

* * *

**Қайсар нодондан ёмон.**

* * *

**Қаҳри қаттиқнинг қисмати аччиқ.**

* * *

**Нодон гапини ўтказганига хурсанд.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **27 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 11-13 даража совуқ, кундузи — 4-6 даража совуқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 27 **декабрда** Тошкент шаҳри обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 1241
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4795 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5